Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2021 йил 9 февраль, № 28 (7808) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

АНДИЖОН ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 8 февраль куни Андижон ва Тошкент вилоятларидаги инвестиция лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Дастлаб жорий йилда ишга тушириладиган лойиҳалар ҳақида ахборот берилди. Хусусан, Андижон вилоятида бу йил умумий қиймати 1 миллиард 433 миллион доллар бўлган 616 та лойиҳа фойдаланишга топширилади. Соҳалар кесимида айтганда, уларнинг 258 таси саноат, 185 таси хизмат кўрсатиш, 173 таси қишлоқ хўжалиги тармоқларида. Буларнинг натижасида қарийб 10 триллион сўмлик ишлаб чиқариш қуввати ташкил этилиб, 95 миллион долларлик импорт ўрнини босиш ҳамда 265 миллион долларлик экспорт имконияти яратилади. 61 мингта янги иш ўрни очилади.

Масалан, “Тетратекс” масъулияти чекланган жамияти томонидан Балиқчи туманида тўқимачилик комплекси ташкил қилинмоқда. 2021-2022 йилларда тўрт босқичда амалга оширилиши режалаштирилган ушбу лойиҳанинг жами қиймати 126 миллион евро. Корхона калава ипдан бошлаб тайёр трикотаж маҳсулотларигача бўлган жараёнларни қамраб олади. Жорий йил охирида ишга тушириладиган биринчи босқичда 2 минг 500 та, барча босқичлар якунида эса 10 мингта иш ўрни яратилади.

Бу каби лойиҳалар бўйича жадал иш олиб бориш билан бирга янгилари ҳам шакллантирилмоқда. Масалан, Андижон вилоятида умумий қиймати 782 миллион доллар бўлган 53 та янги инвестиция лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Тақдимотда ушбу лойиҳаларнинг истиқболлари, молиялаштириш манбалари ва инфратузилма масалалари юзасидан маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни иш ўринларига талаб юқори бўлган маҳаллаларда жойлаштириш, давлат-хусусий шериклик асосидаги корхоналарни кўпайтириб, бандликни ошириш муҳимлигини таъкидлади.

Тошкент вилоятида бу йил 355 та лойиҳа ишга туширилади. Умумий қиймати 1 миллиард 624 миллион доллар бўлган мазкур лойиҳаларнинг 198 таси саноат, 81 таси хизмат кўрсатиш, 76 таси қишлоқ хўжалиги соҳасидадир. Буларнинг самарасида қарийб 35 миллиард сўмлик ишлаб чиқариш қуввати яратилиб, 13 минг кишининг бандлиги таъминланади. 48 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи ва 42 миллион долларлик экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Бундан ташқари, вилоятда 187 та янги инвестиция лойиҳаси режалаштирилмоқда. Тақдимотда уларнинг энг йириклари тўғрисида тўхталиб ўтилди.

Масалан, “Metal produkt” масъулияти чекланган жамияти томонидан 25 миллион доллар эвазига Оҳангарон шаҳрида металл маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Унинг қуввати йилига 60 минг тонна бўлади. Жорий йил май ойида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган корхонада 150 киши иш билан таъминланади.

“Ангрен” эркин иқтисодий зонасида велосипедлар, Қибрай туманида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳалари ҳам ички бозор учун жуда муҳим.

Президент саноатга илм ва инновацияларни фаол жалб этиш, маҳсулотлар сифатига алоҳида эътибор қаратиб, харидоргирлигини таъминлаш зарурлигини таъкидлади. Тошкент вилоятининг транспорт ва туризм салоҳиятидан оқилона фойдаланиб, хизмат кўрсатишни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 29 январда қабул қилинган
Сенат томонидан 2021 йил 5 февралда маъқулланган

1-модда. 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган **Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 4-модда; 1994 йил, № 1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 3–4, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 162-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 100-модда, № 12/1, 343-модда; 2014 йил, № 4, 85-модда; 2017 йил, № 4, 134-модда, № 5, 200-модда, № 8, 383-модда; 2018 йил, № 10, 674-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 3, 162-модда, № 9, 588-модда) **117-моддасининг иккинчи қисмидаги** «декабрь» деган сўз «октябрь» деган сўз билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган **«Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»**ги 350–II-сонли Конституциявий Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4–5, 60-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 12/1, 344-модда; 2012 йил, № 4, 104-модда; 2019 йил, № 9, 588-модда) **3-моддасининг матнидаги** «декабрь» деган сўз «октябрь» деган сўз билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»**ги 617–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 5, 86-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 12, 452-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **8-модда**:

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**8-модда. Сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш**»;

биринчи қисмидаги «Қонунчилик палатасига ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи, **учинчи** ва **тўртинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг бир номзод ҳисобига тўғри келадиган миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЧАРМ-ПОЙАБЗАЛ ВА МЎЙНАЧИЛИК СОҲАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда юқори сифатли чарм, пойабзал, чарм-атторлик маҳсулотлари, шунингдек, мўйна ва жундан юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, соҳада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш, замонавий технологияларни жорий этишни рағбатлантириш мақсадида:

1. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 январдаги “Озиқ-овқат, чарм-пойабзал ва фармацевтика саноатида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2718-сон қарорига асосан очилган кредит линияларининг танланмаган маблағлари ҳисобидан Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан 2021-2022 йилларда чармдан тайёр маҳсулотлар, чарм-атторлик, шунингдек, мўйна ва жундан юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш учун умумий қиймати **50 миллион АҚШ** доллари миқдоридаги кредит линияларини устав фондида (капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган тижорат банкларида очиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси мазкур қарорнинг 1-бандида кўзда тутилган кредит линияларини тегишли тижорат банкларига 3 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда 7 йил муддатгача, йиллик 4 фоиз ставкаси шартларида очади;

кредитлар тадбиркорлик субъектларига замонавий янги ускуна ва технологияларни харид қилиш учун 2 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда 7 йил муддатгача, йиллик 6 фоиз ставкасида ажратилади.

3. **2023 йил 1 январга қадар** Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона божининг ноль ставкаси қўлланиладиган хом ашё, материаллар ва фурнитуралар рўйхати **1-иловага мувофиқ** тасдиқлансин.

4. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари, Тошкент ҳамда Сурхондарё вилоятлари ҳокимликларининг “**Ойбек-автойўл**” (Тошкент вилояти) ва “**Сариосиё-автойўл**” (Сурхондарё вилояти) чегара ўтказиш пунктларидан қўшни давлат чегарасигача бўлган жойларда эксперимент тариқасида маҳаллий тайёр маҳсулотлар савдосига ихтисослаштирилган савдо нуқталарини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ушбу савдо нуқталарида фаолият юритадиган тадбиркорлар томонидан реализация қилинадиган ҳамда қўшни давлат ҳудудига олиб чиқилган товарлар экспортга тенглаштирилсин.

(Давоми 2-бетда).

СЕНАТ РАИСИ ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ БОШ КОТИБИ БИЛАН УЧРАШДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши Бош котиби Бағдат Амреев билан учрашди.

Мулоқот

Мулоқот чоғида Туркий кенгаш доирасида Ўзбекистоннинг аъзо мамлакатлар билан ўзаро самарали ҳамкорлиги жадал ривожланиб бораётганлиги таъкидланди. Парламентлараро ҳамкорлик масалалари бўйича фикр алмашилди.

Б. Амреев Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши, ишбилармонлик ва инвестициявий муҳитни яхшилаш, Марказий Осиё мамлакатлари билан дўстлик ҳамда яқин қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни юқори баҳолади.

Учрашув давомида Туркий тилли давлатлар Парламент Ассамблеяси доирасида иштирокчи мамлакатлар ўртасида турли соҳалар бўйича амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш, Ассамблея фаолиятини кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Муносабат

ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбари шу йилнинг 4-5 февраль кунлари Фарғона вилоятида бўлиб, ҳудудда амалга оширилаётган ислоҳотлар, йирик лойиҳалар билан танишди. Аҳоли билан учрашиб, юзма-юз мулоқот қилди. Ҳудудни янада ривожлантириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида белгилаб берилган вазифалар одамлар қалбида ислоҳотларга дахлдорлик туйғусини янада кучайтирди.

3-саҳифага қаранг

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 24 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2021 йил 6 январда маъқулланган

1-модда. 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган **Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 4-модда; 1994 йил, № 1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 3–4, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 162-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 100-модда, № 12/1, 343-модда; 2014 йил, № 4, 85-модда; 2017 йил, № 4, 135-модда, № 5, 201-модда, № 8, 383-модда; 2018 йил, № 10, 674-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 3, 162-модда, № 9, 588-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **7-модда иккинчи қисмининг русча матнидаги** «законодательством, принятым» деган сўзлар «законами, принятыми» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **33-модданинг русча матнидаги** «законодательством» деган сўз «законами» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) **85-модда тўртинчи қисми 8-бандининг русча матнидаги** «законодательством» деган сўз «законодательными актами» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **86-модда бешинчи қисми 8-бандининг русча матнидаги** «законодательством» деган сўз «законодательными актами» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **93-модда биринчи қисми 16-бандининг ўзбекча матнидаги** «қонун ҳужжатлари» деган сўзлар «қонунчилик» деган сўз билан алмаштирилсин;

6) **98-модда учинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «қонун ҳужжатларига» деган сўзлар «қонунчиликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

(Давоми 2-бетда).

Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги

УЛУҒ МУТАФАККИР ШАРҚ УЙҒОНИШ ДАВРИГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР КЎРСАТГАН?

Тарихда Шарқ Уйғониш даври ҳисобланган XI-XII ва XIV-XV асрларда юртимиздан илм-фан, санъат ҳамда маданият, меъморчилик ва бошқа соҳаларда бир қатор етук алломалар етишиб чиқди.

Шонли ўтмишимиз зарварақларида қуйидаги саҳифалар порлаб турибди: биринчи Ренессанс даврида Ғарбда “Алфраганус” номи билан шуҳрат қозонган Фарғонийнинг “Юлдузлар илми усули китоби” асари арабчадан лотин тилига таржима қилиниб, Европада тўрт аср давомида астрономия илмининг асосий дастури бўлди. Жаҳонда “Авиценна” номи билан машҳур бўлган Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” китоби тиббиёт соҳасида ҳозиргача дунёда асосий қўлланма ҳисобланади. Маҳмуд Кошғарий жаҳон илмида қиёсий тилшунослик тамал тошини қўйди. Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асари билан туркий адабиётни зийнатлаб, уни янги босқичга олиб чиқди. Замахшарий араб тилининг грамматик қурилиши, бадиий адабиёт, аруз илми, луғатшунослик, жуғрофия, тафсир, ҳадис ва фиқҳ борасида эл-ликдан ортиқ асарлари билан илм-фан хазинасини бойитди. Форобий Шарқ мамлакатларида Аристотелдан кейин “Ал-Муаллим ас-соний” — “Иккинчи муаллим”, “Шарқ Арастуси” деб улуғланди. Беруний астрономия, астрология, математика, геодезия, геология, минералогия, география, арифметика, тиббиёт, тарих, филология каби фанлар ривожига ҳисса қўшган бўлса, ислом оламида ҳадис илми пешволари ҳисобланган Имом Бухорий ва Термизий, фиқҳ ва калом илмини ривожлантирган Мотуридий, шариат илмларининг турли соҳалари бўйича асарлар яратган Насафий туркий халқ номини тарих саҳифаларига муҳрлади. Бу давр олимлари асарларини Шарқ ва Ғарб илм-фани фахр билан ўз ютуқлари, деб билади.

Бевосита темурийлар номи билан боғлиқ бўлган иккинчи Ренессанс аниқ фанлар ва бадиий ижодда, меъморчилик ва санъатда ёрқин намоён бўлади. XV асрда Мирзо Улуғбек асос солган Улуғбек академияси жаҳон астрономия илмини юқори поғонага кўтарди, фалакиёт илмини “Зижи Кўрагоний” номли шоҳ асар билан сайқаллади, бутун оламга Коший, Қозизода Румий, Али Қушчи каби машҳур олимларни туҳфа қилди. Қозизода Румий тадқиқотларида ҳисоб, астрономия, синус, синус квадрат, амал дастури ва жадвалларни тузатиш, ўлчаш, астрономия ва геометрия, қибла азимути масалалари ўз ечимини топди. Гиёсиддин Жамшид Коший математика, геометрия, тригонометрия, механика ва астрономия каби фанларни янги қарашлар билан бойитди. Бутун Европа Ҳиротнинг машҳур рассом-миниатюрачиси бўлган Камолиддин Беҳзодни “Шарқ Рафаэли” деб эътироф этди.

XV аср иккинчи Ренессанс бўлиш билан бирга, темурийлар ўртасидаги зиддиятлар, салтанат учун курашлар авж олган, салтанатда ўзаро келишмовчиликлар давлат бошқарувини емира бошлаган даврга тўғри келади. Бу даврда мамлакат ички ва ташқи ҳаётида, расмий доираларда араб ва форсий тилларнинг мавқеи баланд бўлиб, бу, ўз навбатида, бадиий ижодга ҳам ўз таъсирини ўтказган эди.

4

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2021 йил 9 февраль

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сиёсий партиянинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағлари шу партиядан кўрсатилган номзодлар рўйхатга олинганидан кейин рўйхатга олинган номзодлар сонига мувофиқ ҳажмда сиёсий партиянинг ҳисоб-китоб варағига белгиланган тартибда ўтказилади.

Сайловда сиёсий партияларнинг иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган маблағлар сиёсий партия томонидан:

ташвиқот олиб боришга;

номзодларнинг ишончли вакиллари ва ташвиқот ўтказиш учун жалб қилинадиган бошқа фаоллар ишини ташкил этишга;

сайлов кампаниясини ўтказишга доир умумпартиявий тадбирларга сарфланиши керак»;

2) **16-модда**:

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сиёсий партия ҳар йили қонунчиликда белгиланган муддатларда ҳамда тартибда молия органларига, давлат солиқ хизмати органларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигига ҳисобот даврида олинган ҳамда сарфланган молиявий ва бошқа маблағлар тўғрисида молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт. Сиёсий партия сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ўзига ажратилган давлат маблағлари юзасидан сайлов кунида оралиқ ҳисоботни, сайлов натижалари эълон қилинганидан кейин эса якуний ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади»;

бешинчи қисми қуйидаги мазмундаги **бешинчи**, **олтинчи** ва **еттинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Сиёсий партиянинг молиявий ҳисоботида давлат маблағларининг келиб тушиши ва сарфланиши алоҳида қисмда назарда тутилади. Бунда сиёсий партия томонидан сайловда иштирок этиш учун сарфланган маблағлар алоҳида ҳисобга олинади.

Сиёсий партиянинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш тўғрисидаги ҳисобот шакли ва уни тақдим этиш муддати Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Сиёсий партиянинг ҳисоботлари унинг расмий веб-сайтида ва босма нашрида эълон қилинади»;

3) **17-модданинг иккинчи қисмидаги** «Қонунчилик палатасига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **18-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан сиёсий партияларнинг молиявий фаолиятини текшириш натижалари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 июнда қабул қилинган ЎРҚ–544-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 6, 327-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **10-модда**:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Қонунчилик палатаси депутатлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловини ўтказиш бўйича сайлов участкалари туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловини ўтказиш бўйича сайлов участкалари эса туман, шаҳар сайлов комиссиялари томонидан тузилади»;

тўртинчи қисмидаги «округ комиссиялари» деган сўзлар «округ сайлов комиссиялари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **19-модданинг иккинчи қисмидаги** «етти – ўн беш» деган сўзлар «ўн бир – йигирма бир» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **20-модда**:

учинчи хатбошисидаги «комиссияси» деган сўз «сайлов комиссияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Туман, шаҳар (бундан Тошкент шаҳар сайлов комиссияси мустасно) сайлов комиссияси мазкур Кодекснинг 22, 23, 31, 32, 59, 60 ва 95-моддаларида назарда тутилган округ сайлов комиссиясининг ваколатларини ҳам амалга оширади»;

4) **21-модда**:

биринчи қисмидаги «маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияси эса тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан» деган сўзлар «Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияси эса тегишли вилоят, Тошкент шаҳар сайлов комиссияси томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «вилоят Кенгашига» деган сўзлар «вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Халқ депутатлари туман, шаҳар (бундан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши мустасно) Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари тузилмайди»;

5) **22-модда**:

саккизинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

тўққизинчи – ўн тўртинчи хатбошилари тегишинча **саккизинчи – ўн учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

ўн биринчи хатбошисидаги «туман, шаҳар» деган сўзлар «Тошкент шаҳар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **25-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Участка сайлов комиссияси аъзоларининг ярмидан кўпи битта ташкилотдан тавсия этилиши мумкин эмас, бундан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда, санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ҳамда бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида ташкил этилган участка сайлов комиссиялари мустасно»;

7) **27-модданинг олтинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) қуйидаги мазмундаги **27¹-модда** билан тўлдирилсин:

«27¹-модда. Чет давлатларда турган фуқароларни сайловчилар рўйхатларига киритиш

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкаларида сайловчиларнинг рўйхатлари мазкур муассасалар бошлиқлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилади.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган участка сайлов комиссиялари чет давлатларда турган фуқароларни сайловчилар рўйхати билан танишиш усули, жойи ва вақти тўғрисида хабардор қилади.

Чет давлатларда турган фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган участка сайлов комиссияларига уларни сайловчилар рўйхатига киритиш тўғрисида сайловдан ўн беш кун олдин ёзма шаклда ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг расмий веб-сайти орқали электрон шаклда мурожаат қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган участка сайлов комиссиялари чет давлатларда турган фуқароларнинг уларни сайловчилар рўйхатига киритиш тўғрисидаги мурожаатида кўрсатилган шахсга доир маълумотларни текширади ва фуқарони сайловчилар рўйхатига киритиш ҳақидаги масалани ҳал қилади.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган участка сайлов комиссиялари сайловчилар рўйхатига киритилган фуқаролар ҳақидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги сайловчилар рўйхатига киритилган фуқаролар ҳақидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатига тегишли тузатишлар киритиш учун тақдим этади»;

9) **29-модданинг**:

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Чет давлатларда турган фуқароларга сайловчилар рўйхатидаги ўзига тегишли маълумотлар билан танишиш имконияти Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари расмий веб-сайтлари орқали ҳам таъминланади»;

бешинчи қисмидаги «уч кун» деган сўзлар «беш кун» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **31-модданинг олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сайлов бюллетенларини Брайль алифбоси асосида тўлдириш учун трафаретлар тайёрланиши мумкин»;

11) **32-модда**:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкаларидаги сайловчилар сони ҳақида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида Марказий сайлов комиссияси сайлов бюллетенларининг тайёрланиши ва етказиб берилишини таъминлайди»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

12) **33-модда**:

иккинчи қисмидаги «ўн беш кун» деган сўзлар «ўн кун» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Кузатувчилар ҳарбий қисмларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкаларига бориши ҳақида камида уч кун олдин участка сайлов комиссиясини хабардор қилиши керак»;

13) **41-модданинг иккинчи қисмидаги** «сайловни ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

14) **42-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Номзод сайловга қадар вафот этган, сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлган ёхуд номзодликдан чақириб олинган тақдирда нашр этилган сайлов бюллетенларидан ушбу номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми ёзилган сатр ўчирилади. Муддатидан олдин овоз бериш жараёнида бундай номзодни ёқлаб берилган овозлар участка сайлов комиссиялари томонидан овозларни санаб чиқиш чоғида ҳақиқий эмас деб топилади»;

15) **44-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Қуйидагиларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориши тақиқланади:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмалар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг, судьяларнинг;

сайлов комиссиялари аъзоларининг;

диний ташкилотлар профессионал хизматчиларининг.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига ўз мансаб ва хизмат мавқеидан сайловолди ташвиқоти вақтида ҳар қандай сиёсий партиянинг ёки номзоднинг фойдасига ёхуд унга қарши фойдаланиши тақиқланади»;

16) **46-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ташвиқот мақсадида оммавий ахборот воситаларидан бепул фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти сиёсий партияларнинг фикрини инобатга олган ҳолда тегишли сайлов комиссияси томонидан белгиланади»;

17) **48-модданинг иккинчи қисмидаги** «мазкур комиссиялар бу ҳақда сайловчиларни олдиндан хабардор қилади» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

18) **50-модданинг биринчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«сайлов қутилари»;

олтинчи – ўн тўртинчи хатбошилари тегишинча **еттинчи – ўн бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

19) **51-модда**:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкаларида овоз бериш сайлов куни ушбу сайлов участкалари жойлашган ердаги маҳаллий вақт билан соат 8.00 дан 20.00 гача ўтказилади»;

иккинчи ва **учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

20) **54-модда учинчи қисми иккинчи хатбошисининг ўзбекча матни** «овоз бериш» деган сўзлардан кейин «учун» деган сўз билан тўлдирилсин;

21) қуйидаги мазмундаги **56¹-модда** билан тўлдирилсин:

«56¹-модда. Сайловчининг чет давлатда турган жойида овоз бериш

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига ва чет давлатларнинг ваколатли давлат ҳокимияти органлари билан келишувларга мувофиқ чет давлатларнинг аҳоли зич жойлашган ҳудудларда муддатидан олдин овоз бериш сайловчининг турган жойида ўтказилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатдаги дипломатик ва бошқа ваколатхонаси ҳузурида тузилган участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг турган жойида овоз бериш вақти ҳамда жойи тўғрисида қарор қабул қилади ва бу ҳақда сайловчиларни, кузатувчиларни оммавий ахборот воситалари орқали хабардор этади.

Сайловчиларнинг турган жойида овоз бериш Ўзбекистон Республикасининг чет давлатдаги дипломатик ва бошқа ваколатхонаси ҳузурида тузилган участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигида ўтказилади.

Овоз бериш тугаганидан кейин участка сайлов комиссияси аъзолари кўчма овоз бериш қутисини очади, унинг ичидаги сайлов бюллетенларини санамасдан махсус қопга жойлайди, қопни сурғучлайди ва бу ҳақда далолатнома тузади.

Сайлов бюллетенлари солинган қоп сурғучланган ҳолда далолатнома билан бирга сайлов участкасига олиб борилади ва сайлов куни овозларни санаб чиқиш жараёни бошлангунига қадар сақланади»;

22) **57-модданинг**:

иккинчи қисмидаги «тегишли округ сайлов комиссияси» деган сўзлар «Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «ва овоз берувчининг имзоси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

23) **58-модданинг олтинчи қисми** «округ сайлов комиссиясига» деган сўзлардан кейин «халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларига сайловда эса тегишли туман, шаҳар (бундан Тошкент шаҳар сайлов комиссияси мустасно) сайлов комиссияларига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

24) **86-модданинг матнидаги** «ўн кун» деган сўзлар «беш кун» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

25) **95-модданинг учинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Округ бўйича сайлов натижалари округ сайлов комиссиясининг мажлисида аниқланади ва баённомага киритилади. Баённома комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби, бошқа аъзолари томонидан имзоланади ҳамда тегишли сайлов комиссиясига тақдим этилади. Мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси ҳамма танишиб чиқиши учун дарҳол участка сайлов комиссияси биносига камида қирқ саккиз соат муддатга осиб қўйилади.

Халқ депутатлари туман, шаҳар (бундан Тошкент шаҳри мустасно) Кенгашларига округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш ушбу моддада белгиланган тартибда туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан амалга оширилади»;

26) **96-модда**:

биринчи қисмининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Марказий сайлов комиссияси, вилоят, Тошкент шаҳар сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларининг ўзига келиб тушган баённомалари асосида, туман, шаҳар сайлов комиссияси эса ўзига келиб тушган участка сайлов комиссияларининг баённомалари асосида»;

олтинчи қисмидаги «ўн кун» деган сўзлар «беш кун» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи қисмидаги «ўн кун» деган сўзлар «беш кун» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

27) **99-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Сайлов комиссияларининг аъзоларига сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир харажатлар сметасида кўрсатилган миқдорда транспорт, овқатланиш харажатларининг ва бошқа харажатларнинг ўрнини қоплаш мақсадида компенсация тўланади.

Сайлов комиссиясининг доимий иш жойига эга бўлмаган аъзоларига, шу жумладан пенсионерларга меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасига мувофиқ иш ҳақи тўланади»;

28) **100-модданинг иккинчи қисмидаги** «ва бошқа тегишли сайлов комиссиялари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

29) **102-модданинг матнидаги** «ўн кун» деган сўзлар «беш кун» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

30) қуйидаги мазмундаги **102¹-модда** билан тўлдирилсин:

«102¹-модда. Марказий сайлов комиссияси аъзоларининг транспортдан фойдаланиш ҳуқуқи

Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси аэропортлар ва аэровокзаллар, темир йўл вокзаллари ҳамда станцияларининг расмий шахслар ва делегацияларга хизмат кўрсатиш залларидан текин фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси ўз гувоҳномасини кўрсатганидан кейин темир йўл вокзаллари ва станцияларининг чипта сотадиган кассалари, фуқаро авиацияси агентлиги ёки аэропортлар унга поезд вагонидан, самолёт салонидан навбатсиз жой бериши шарт. Марказий сайлов комиссияси аъзоси Марказий сайлов комиссиясининг мажлисига бораётганда унга самолёт чиптаси парвоздан камида икки соат олдин, бошқа ҳолларда эса камида бир сутка олдин берилади».

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

7-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 8 февраль
№ ЎРҚ–670

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

7) **100-модда саккизинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** «қонунларига» деган сўз «қонунчилигига» деган сўз билан алмаштирилсин;

8) **107-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасида суд тизими Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судлари ва туманлараро маъмурий судлардан иборатдир»;

9) **117-модда саккизинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «қонунларга» деган сўз «қонун ҳужжатларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 8 февраль
№ ЎРҚ–671

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЧАРМ-ПОЙАБЗАЛ ВА МЎЙНАЧИЛИК СОҲАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари билан биргаликда бир ой муддатда “Ойбек-автойўл”ва “Сариосиё-автойўл” чегара ўтказиш пунктларидан қўшни давлат чегарасигача бўлган жойларда савдо нуқталарини ташкил этиш учун тадбиркорлик субъектларига белгиланган тартибда ер майдонлари ажратилишини ҳамда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан тегишли инфратузилмалар яратилишини таъминласин.

“Ўзчармсаноат”, “Ўзтўқимачиликсаноат”, “Ўзбекипаксаноат”, “Ўзэлтехсаноат” ва бошқа уюшмалар ташкил этиладиган савдо нуқталарини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг сифатли маҳаллий маҳсулотлари билан таъминласин.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Давлат божхона қўмитаси, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари билан биргаликда **2022 йил 1 июнга қадар** эксперимент натижаларидан келиб чиқиб, республиканинг бошқа халқаро қатновлари учун очиқ бўлган чегара ўтказиш пунктларидан қўшни давлат чегарасигача бўлган жойларда маҳаллий тайёр маҳсулотлар савдосига ихтисослаштирилган савдо нуқталарини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

5. “Ўзчармсаноат” уюшмаси томонидан Чарм-пойабзал соҳасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан республика ҳудудларида ва хорижий давлатларда маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган чарм маҳсулотлари савдосига ихтисослаштирилган “Multibrand” дўконларини ташкил этиш ва унинг электрон савдо платформасини яратиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

“Multibrand” дўконларини республика ҳудудларида ва хорижда ташкил этиш ҳамда унинг электрон савдо платформасини яратиш, шунингдек, “Ўзчармсаноат” уюшмаси аъзоларининг етакчи электрон савдо платформаларида маҳаллий чарм маҳсулотларини жойлаштириш бўйича харажатларини Чарм-пойабзал соҳасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширишга розилик берилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари “Ўзчармсаноат” уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда янги ташкил этилаётган **“Multibrand” дўконларининг** Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг марказий шаҳарларида аҳолига қулай жойларда жойлаштирилишини таъминласин.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги “Ўзчармсаноат” уюшмаси билан биргаликда “Multibrand” дўконларини хорижий давлатларда ташкил этиш бўйича тегишли чораларни кўрсин.

6. “Ўзстандарт” агентлиги:

икки ой муддатда чарм, пойабзал, чарм-атторлик маҳсулотлари, жун ва мўйнадан тайёрланган буюмларга уларни синовдан ўтказиш усулларига талабларни белгиловчи стандартлар бўйича амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказсин ва халқаро меъёрларни ҳисобга олган ҳолда уларни қайта кўриб чиқиб, амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

2021 йил 1 мартга қадар чарм, пойабзал, чарм-атторлик маҳсулотлари, жун ва мўйнадан тайёрланган буюмларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, соҳага тегишли бўлган синаш бўйича халқаро, минтақавий ва хорижий давлатларнинг стандартларини асли ёзилган тилларда қабул қилиш чораларини кўрсин.

7. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига белгиланган тартибда киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

9. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У.Умурзаков белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ҳар ярим йил якуни бўйича ахборот киритиб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 8 февраль

ПРЕЗИДЕНТ МУРОЖААТНОМАСИ — ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

“Президент Мурожаатномаси — Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг янги босқичи” мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда Фаол фуқаролар умуммиллий фестивалига старт берилди.

Халқаро конференция

Тадбирда парламент аъзолари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари, маҳаллий ҳокимликлар, миллий ва халқаро экспертлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Конференцияда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева кириш сўзи билан қатнашди.

Сенат Раиси ўз нутқида давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида фуқаролик жамиятини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани, қабул қилинган ҳужжатлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш, яъни “жамоатчилик эшитувлари” ва “жамоатчилик мониторинги”ни ташкил этишда оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўрни алоҳида эътироф этилганини таъкидлади. Бугун фуқаролик жамияти институтлари халқ манфаатини илгари сурувчи, халқ дарди билан яшовчи улкан кучга айланаётгани, фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири — оммавий ахборот воситалари ўтган қисқа вақт давомида жамиятда очиқлик ва шаффофликни таъминловчи, мавжуд тизимли муаммоларни рўйирост ёритувчи чинакам “тўртинчи ҳокимият” сифатида шакллланаётганини қайд этди. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида ҳали қилинадиган вазифалар кўплиги, хусусан, соҳани тартибга солувчи қонунчиликни қайта кўриб чиқиб, бугунги кун талабларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш кераклиги, ўтган йилги Давлат дастурида белгиланган Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишни ҳам жадаллаштириш зарурлиги айтилди.

Конференцияда қайд этилганидек, Президентнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси нафақат фуқаролар, давлат идоралари вакиллари ва миллий экспертлар, халқаро ҳамжамият вакиллари учун дастуриламал, балки Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеалардан биридир. Боиси айнан Мурожаатномада соҳалар фаолияти, шу жумладан, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбари парламентга Мурожаатномасида Ўзбекистон демократик ислоҳотлар йўлидан қайтмаслигини, бу билан инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар давом эттирилишини таъкидлади.

Аҳамиятлиси, давлат фаол фуқаролар, оммавий ахборот воситалари ва жамоатчиликка кенг ваколатларни тақдим этмоқда. Хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотлари ижтимоий буюртма асосида ҳудудлардаги ҳақиқий манзарани аниқлаш, турли даражадаги муаммоларни чуқур таҳлил қилиш, ечимини топиш ва жамоатчилик назоратини таъминлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқишга жалб қилинади. Бунда, аввало, таълим, маданият, тиббиёт, экология, қурилиш, кадастр, транспорт, коммунал хизматлар, бандлик, ижтимоий хизматлар каби соҳаларга алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу мақсадлар учун 2021 йилда Давлат бюджетидан 60 миллиард сўм ажратилиши режалаштирилган. Бу 2019 йилдагига нисбатан икки баравар кўп.

Тадбирда парламент аъзолари, ННТ вакиллари, миллий ва хорижий экспертлар қарорлар қабул қилиш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг иштироки билан боғлиқ муҳим жиҳатларни ҳам кўриб чиқди. Таъкидланганидек, ННТ фуқароларнинг ижтимоий аҳамиятга эга, иқтисодий ривожланиш, давлат ва жамият бошқаруви муаммолари билан шуғулланади. Улар жойлардаги ҳақиқий ҳолатдан яхши хабардор бўлиб, турли тадқиқотлар олиб бораётир. Қонунчилик ҳужжатлари, ривожланиш дастурлари муҳокамасига жамоатчиликни кенг жалб этиш улар қамровини оширади, қонунчиликни такомиллаштиришда кўпчиликнинг фикрини акс эттиришни таъминлайди. Бундан ташқари, жамоат ташкилотлари ходимлари ҳамда фаоллари салоҳияти ва ваколатларидан фойдаланиш маҳаллий даражада қонунчилик ижроси устидан самарали жамоатчилик назоратини ўтказишга имкон беради.

Конференцияда Мурожаатномада илгари сурилган ташаббусларни самарали амалга ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ («Халқ сўзи»).

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИНГ ИШОНЧЛИ МУҲОФАЗАСИ

Бухоро вилоятининг Қоракўл тумани ҳокимлиги ташаббуси билан патронаж ҳамширалари учун қиймати 180 миллион сўмлик тиббий жиҳозлар олиб берилди. Бу, давлатимиз раҳбарининг тиббий профилактика ва патронаж соҳасининг мутлақо янги тизимини жорий қилиш юзасидан берган топшириғи доирасида амалга оширилди.

Тиббиёт

— Туманимизда бирламчи тиббий-санитария хизматини яхшилаш масаласига катта эътибор қаратиляпти, — дейди “Мироб” оилавий қишлоқ шифокорлик пункти патронаж фельдшери Бегандик Худойназаров. — Бу тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини кўтаришда айни муддао. Хусусан, аҳолининг антропометрик кўрсаткичларини ўлчашни бажариш, унинг ҳисоботини юритиш учун планшет, тарози, пульсоксиметр, тонометр, фонендоскоп каби жиҳозларнинг харид қилингани имкониятларни янада кенгайтириши билан аҳамиятли. Шу мақсадда 60 та замонавий планшет, бир неча турдаги тиббий жиҳозлар, шунингдек, 40 та велосипед тақдим қилингани аҳоли саломатлигини ишончли муҳофаза этишда соҳа ходимларини янада фидойилик билан ишлашга ундайди.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Риштон кулолчилик санъати истиқболлари

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барпо этилган Риштон туманидаги барча қулайликка эга Халқаро кулолчилик марказида Юртбошимиз билан жуда мароқли суҳбат бўлиб ўтди. Чамаси ярим соат юзма-юз гаплашиб, кўп масалаларда фикр алмашдик. У киши ҳазиломуз оҳангда, мен эртадан сопол пиёлада чой ичаман, сопол косада овқатланаман, керак бўлса, барчани шунга даъват этаман, дея кулолларнинг меҳнатига, айни пайтда халқ амалий санъатига юксак баҳо берди. Яқин вақтлар ичида уста кулоллар ўз меҳнатининг роҳатини кўради, деб кўнглимизни тоғдек юксалтирди.

Шундай кунларга етказганига беадад шукр. Уста-кулолларнинг еттинчи авлодиман. Фарзандларим Фирдавс ва Суҳроб, набираларим Комрон ва Мадинабону сулоламизнинг ворислари сифатида кулолчилик ҳунарини давом эттирмоқда.

Хорижий давлатларда маҳсулотларимизга талаб катта. Ўғлим Фирдавснинг ишлари Европа, АҚШда ҳам машҳур. Хонадонимиз вилоятимизнинг туристик харитаси йўналишига киритилган. Уйимизда ташкил этилган кулолчилик музейига АҚШ, Европа, МДҲ мамлакатларидан тез-тез сайёҳлар келиб туради.

Бугунги кунда Риштоннинг анъанавий кулолчилиги замонавий мезонлар асосида ривожланяпти. Халқаро кўргазмаларда қатнашяпмиз — кейинги икки-уч йилда АҚШ, Франция, Японияда уюштирилган кўргазмаларда маҳсулотларимиз намойиш этилди.

Ҳозир 75 ёшдан ошдим. Аммо давлатимиз раҳбарининг ушбу соҳа ривожига қаратаётган катта эътибор ва рағбати ғайратимни янада жўштириб, куч-қувват бағишламоқда. Юзма-юз мулоқот жараёнида кўплаб режа-мақсадларни белгилаб олдим — бу ишончни албатта, оқлаймиз.

Шарофиддин ЮСУПОВ, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби.

Рағбат — маррани баландроқ олишга ундайди

Фарғона — Қўқон катта автомобиль йўли ёқасида жойлашган узумчилик кооперациямиз ташкил этилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Ўтган йили узумзорларга “Ҳусайни”, “Келинбармоқ”, “Ризамат” навли узум кўчатлари экилди. Қатор ораларида йилнинг тўрт мавсумида карам, помидор, бодринг, қалампир сингари сабзавотлар етиштирилмоқда. Томчилатиб суғориш тизимини жорий қилдик. Айни чоғда бу ерда 51 нафар ёш, жумладан, хориждан қайтиб келган юртдошларимиз меҳнат билан банд.

Хўжалигимизга Юртбошимизнинг ташрифи, самимий, очиқ мулоқоти давомида “Ҳар бир ёш учун ота-онаси қандай қайғурса, мен ҳам шундай қайғураман” деган сўзлари барчамизга қанот бағишлади — янги мақсад ва интилишга ундади.

Дарҳақиқат, ҳаётда ўз ўрнини топган инсонда ўзига ишонч, интилиш пайдо бўлади. Учрашувда ҳар бир соҳада ўқиб-ўрганиш орқали фаолиятни ташкил этиш, изланишдан тўхтамаслик, янги ғоя ва ташаббуслар сари дадил қадам ташлаш борасида билдирилган фикр-мулоҳазалар бизга катта куч ва мотивация берди. Изланишдан тўхтаб қолмаслик, нафақат хом ашё, балки маҳсулотни қайта ишлаш, турларини кўпайтириш, экспорт ҳажмини ошириш орқали даромад манбаига эга бўлиш, янги иш ўринлари яратиш хусусидаги зарур тавсия, маслаҳатлардан катта таассурот олдик.

Халқимиз азалдан ердан фойдаланиш, экин-текин етиштиришда ўзига хос тажрибага эга. Шунга мос равишда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, қўллаб-қувватлаш борасидаги доимий эътибор юксак самара бермокда. Кооперация аъзолари саъй-ҳаракати билан ўтган қишлоқ хўжалиги йилида 640 миллион сўмлик сабзавот маҳсулотлари етиштирилди. Экспорт борасидаги кўрсаткич салмоғи 400 миллион сўмдан ошди.

Шу кунга қадар 40 гектар майдонда токзор, 90 гектар майдонда интенсив боғ, 2 минг тонна сиғимли музлаткичли омбор барпо этдик. Айни кунда яна 20 гектар янги узумзор ташкил этиш ниятидамиз. Натижада яна ўнлаб ёшлар бандлигини таъминланади.

Сардор ҲАКИМОВ, Олтиариқ туманидаги «Файзли боғлар сари» узумчилик кооперацияси раҳбари.

Қишлоқда саноат корхоналари тармоғи кенгаяди

Фарғона туманининг Лоғон қишлоғида Германия ва Италия технологиялари асосида ташкил этилган «Vodiy Shoes» пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси билан танишув жараёнида давлатимиз раҳбари лойиҳа ташаббускори бўлган тадбиркор сифатида зиммамга бир қатор янги вазифалар юклади. Шу тариқа яқин истиқболда туманнинг 18 та ҳудудида «Vodiy Shoes» корхонасининг кичик шахоблари яратилиб, қўшимча 5 мингта ишчи ўрни яратиш режалаштирилди.

Шунингдек, «Baxodir Log‘on Tekstil» МЧЖ ип йигирув корхонаси, Америка ва Туркия технологияси асосида қуриб битказилган пахтани қайта ишлаш заводи фаолияти билан танишув жараёнида ҳам янги вазифалар белгиланди. Бу борада пахта хом ашёсини чуқур қайта ишлашни таъминлаш мақсадида ҳиндистонлик ҳамкорларимиз билан биргаликда ўсимлик ёғи ишлаб чиқарувчи завод барпо этишга киришдик. Қўшма корхона ишга тушгач, 350 та янги ишчи ўрни яратилади.

Президентимизнинг таклиф ва тавсиялари асосида иккита кластер корхонасига қарашли Фарғона, Қува ҳамда Ёзёвон туманларида етиштириладиган пахта ва ғалла экинларини томчилатиб, ёмғирлатиб суғориш усулини жорий этиш бўйича аниқ режаларни белгилаб олдик.

Юртбошимизнинг ташрифидан сўнг корхоналарда бўлиб, ишчи-хизматчилар билан суҳбат давомида уларнинг кайфияти, ишга бўлган муносабати бутунлай ўзгарганини сездим. Айниқса, ёш дўстларимиз ўз орзу-мақсадлари ҳақида тўлқинланиб гапирганда, бу лойиҳаларни йўлга қўйиш, амалга ошириш жараёнида кечирган қийинчиликларим унут бўлди. Юрт корига яраётганим, юзлаб, минглаб ҳамюртларим оиласига файз-барака киришида озми-кўпми ҳиссам борлигидан беҳад қувондим.

Қишлоққа саноатни олиб кириш, чекка ҳудудларда замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини бунёд этиш биз тадбиркорлар зиммасидаги муҳим вазифа. Юртбошимиз ташрифидан куч олиб, янги тадбиркорлик лойиҳаларини рўёбга чиқариш — жорий йилда яна камида беш мингта иш ўрни яратишга ваъда бераман. Бунинг учун эса имконият ва салоҳиятимиз етарли.

Мўминжон ЙЎЛДОШЕВ, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.

Фарзандларимиз тўйига тўёна, маҳалладошларимиз учун унутилмас кун бўлди

Шу йилнинг 6 февраль куни тўнғич фарзандларимиз — Маҳмуджон ва Комилжонни уйлантирдик.

Тўйдан бир кун олдин қўшнилар билан уйимиз олдида тўй маслаҳатини қилиб тургандик, Президентимиз вилоятимизга ташрифи доирасида маҳалламизга тўсатдан келгани барчамизни беҳад қувонтириб юборди.

Аслида бу ташрифни “кутилмаган” дейишим сал ножоизроқ. Боиси халқимиз, ўзбек оилалари тўй бошлаганда меҳмонларни “бош устига” деб кутиб олади. Шу маънода, Юртбошимизнинг бу ташрифи нафақат оиламиз, балки маҳалладошларимиз учун унутилмас, қутлуғ кун бўлди.

Қарангки, Юртбошимиз билан юзма-юз суҳбатлашиб, суюнганимдан йиғлаб юборганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. Рости, бундай инсонлар билан ҳар доим ҳам учрашавермайсиз — “тушимми-ўнгимми?”, дея ўзимни чимдилаб ҳам кўрдим.

Турмуш ўртоғим ва катта ўғлимиз устачилик қилади. Иккинчи ўғлим ҳарбийлик касбини танлаган. Ўзим 17 йил ҳарбий қисмда меҳнат қилдим, бугунги кунда ҳарбий госпиталда ошпазман. Оилада тўрт фарзандни тарбияляяпмиз. Минг қатла шукрки, фарзандларимиз юрт корига ярайдиган, ҳалол ва меҳнаткаш инсонлар бўлиб улғайди.

Тўй куни вилоят ҳокими давлат раҳбари номидан телевизор, музлаткич, кир ювиш машинаси сингари уй-рўзғор буюмлари ва тўёна топширди. Бундай йўқлов, эътибор ва совғалардан бошимиз кўкка етди. Инсон қадр-қиммати баланд бўлган бу юртда ҳеч ким эътибордан четда қолмаслиги рост. Айниқса, Президентимизнинг алоҳида эътибори натижасида кейинги йилларда бу қадрият давлат сиёсатининг бир йўналишига айланди.

Илоҳим, юртимиз тинч, халқимиз омон, дастурхони тўкин, шу ишларнинг бошида турганларнинг умри узоқ бўлсин!

Саодат АКРОМОВА.
Фарғона шаҳри, Шодиёна маҳалласи

Қоғоз ишлаб чиқаришда замонавий ёндашув

Ташриф доирасида давлатимиз раҳбари корхонамизда бўлиб, бу борада амалга оширилган ишлар ҳамда истиқболдаги режаларимиз билан танишди.

Юзма-юз мулоқот жараёнида мамлакатимиз бўйлаб мазкур тармоққа ихтисослаштирилган корхоналарни барпо этиш, юртимизнинг барча ҳудудида қоғоз ишлаб чиқариш саноатини жадал ривожлантириш масаласига алоҳида урғу берилди. Президентимиз бу соҳанинг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида алоҳида қарор чиқарилишини таъкидлади. Корхона фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Зҳао Хиао Донг бошчилигидаги хитойлик етти нафар мутахассисга барча шароитни яратиб бериш зарурлиги айтилди.

Тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган юксак эътибор бизни янги-янги ютуқлар сари рағбатлантиради. Мамлакатимизда қоғоз ишлаб чиқариш саноатини жаҳон андозалари даражасида ривожлантириш учун бор куч ва салоҳиятимизни ишга соламиз.

Шунингдек, учрашувда давлат раҳбарига кимёвий ўғитлар, ёнғин хавфсизлиги жиҳозлари, болалар боғчалари ва умумтаълим мактаблари учун электрон доскалар ишлаб чиқариш ҳамда мева-сабзавот, гўшт ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган консерва заводи барпо этишга қаратилган режа-мақсадларим хусусида гапириб бердим.

Айни пайтда эронлик тадбиркорлар билан ҳамкорликда уч турдаги экологик жиҳатдан тоза, санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган ва овқатланишда фойдаланиладиган бир марталик елим идишлар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйганмиз. Шу кунларда лойиҳа доирасида қўшимча қувватларни ишга тушириб, яна ўн турдаги бир марталик идишларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилган.

Эртанги кун истиқболи билан боғлиқ бир неча тадбиркорлик лойиҳаларимизни ҳаётга татбиқ этиш орқали юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларга муносиб ҳисса қўшишни мақсад қилганман.

Абдураҳмон НИЁЗОВ, Фарғона шаҳридаги «Fergana stone paper» корхонаси раҳбари.

«Халқ сўзи».

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИДА БЎЛАДИ

Ҳар йили мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегияси асосида Давлат дастури тасдиқланиб, унинг доирасида улкан ислоҳотлар рўёбга чиқарилмоқда. Яқинда Президентимиз томонидан республика тараққиётига хизмат қилувчи навбатдаги ана шундай ҳужжат қабул қилинди. Ушбу ҳужжат халқимиз фаровонлигини ошириш ва кундалик ҳаётдаги муаммоларни ҳал этиш тизимини янги босқичга кўтаради, десак, асло муболаға эмас.

Нуқтаи назар

Хўш, Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларнинг аҳамияти нималардан иборат? Биз, депутатлар уларнинг ижросини таъминлашда қандай ишлашимиз керак, деган саволларни ўзимизга бериб, янада фаоллик кўрсатиб меҳнат қилишимиз лозим.

Мазкур муҳим ҳужжатда, айниқса, ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг таълим олиши, интеллектуал салоҳиятини ривожлантириши, касб-ҳунар ва хорижий тилларни ўрганиши ҳамда маданият, санъат ва спорт соҳасида ўз салоҳиятини тўлақонли рўёбга чиқариш борасидаги устувор вазифалар уларни ғоят руҳлантириши билан эътиборга молик.

Биргина болажонларни мактабгача таълим ва тарбия тизимига қамраб олиш даражаси билан боғлиқ тадбирларга эътибор қаратадиган бўлсак, Давлат дастурида мактабгача таълим тизимида мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов гуруҳларини ташкил этиш ва бу жараёнга 560 минг нафар 6 ёшли болалар ёки уларнинг 82 фоизи қамраб олиниши кўзда тутилганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Қолаверса, “АҚлвой” лойиҳаси доирасида мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд бўлмаган ҳамда қамров кўрсаткичлари паст ҳудудлардаги 4,7 мингдан зиёд болаларни қамраб оладиган қайта жиҳозланган “Исузу” автобуслари негизида 294 та гуруҳни шакллантириш, 98 та болалар майдончаси барпо қилиш орқали мобиль гуруҳлар тармоғини кенгайтириш, шунингдек, мактабгача таълим тизимига болаларни қамраб олишда хусусий сектор улушини ошириш орқали қамровни 25 фоизга етказиш, 2021 йилда давлат-хусусий шериклик асосида 40 та нодавлат мактабгача таълим ташкилоти қуриш, олис ва аҳоли тарқоқ жойлашган ҳудудларда эса 200 та оилавий мактабгача таълим ташкилоти ташкил этилиши белгиланган.

Муҳими, Давлат дастурида “Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади” деган ҳаётбахш ғоя ўз аксини топган. Шу мақсадда умумий ўрта таълим тизимида миллий ўқув дастурини босқичма-босқич жорий этиш орқали ўқувчиларга сифатли дарс беришни таъминлаш, шунингдек, мактаб-лицейларда бу ишга масъул педагог ходимлар маънфаатдорлигини ошириш, уларга малака тоифасини бериш тизимини қайта кўриб чиқиш ҳамда бу борада шаффофликни таъминлаш ва инсон омилини минимал даражага тушириш асосида янги автоматлашган тизим жорий этилиши режалаштирилган.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Таълим сифати паст бўлган мактабларда уни ошириш ва тажрибали ўқитувчилар фаолиятини оммалаштириш мақсадида педагог-ўқитувчиларни шартнома асосида бошқа туман ҳамда вилоятларда педагогик фаолият олиб бориш учун юбориш ва мос равишда уларга 50 ҳамда 100 фоиз устама ҳақ тўлаш тартибини белгилаш ҳам назарда тутилмоқда.

Давлат дастурида ҳар бир йигит-қиз ва ота-оналарнинг орзуси бўлган, ёшлар келажагини белгиловчи — олий таълим соҳасида амалга оширилиши режалаштирилган тадбирларга ҳам тўхталиб ўтиш жоиз.

Шу ўринда яқин тарихимизга, яъни 2016 йилга қадар ёшларни олий таълимга қамраб олиш даражаси билан боғлиқ маълумотларга эътибор қаратайлик.

Таҳлилларга кўра, ўша даврда бу миқдор талабгорларнинг 9-10 фоизинигина ташкил қилиши ва Ўзбекистонда олий таълимга бўлган талабни қондириш имконияти чегараланганлиги сабабли кўп йигит-қизлар ўқиш ёки ишлаб даромад топиш учун ўзга давлатларга кетишга мажбур бўларди. Бугунги кунга келиб, ёшларни олий ўқув юртларига қамраб олиш даражаси 25 фоизга қадар етказилди. Лекин бу давлат раҳбари таъбири билан айтганда, қатъий чегара эмас.

Шунингдек, ушбу ҳужжатда юртимизда фаолият юритаётган 9 та нодавлат олий таълим муассасасида ҳам эҳтиёж юқори бўлган йўналишлар бўйича кадрлар тайёрлашни назарда тутувчи давлат буюртмаси параметрларини бериш тизимини йўлга қўйиш ҳам кўзда тутилган.

Қолаверса, ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофазага муҳтож талабаларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш мақсадида кириш имтиҳонларида юқори балл тўплаган 200 нафар йигит-қиз учун Президент гранти жорий этилади. Олийгоҳларда 2 ва ундан ортиқ фарзанди шартнома асосида ўқиётган оилага кредитни ўқиш тугагандан сўнг қайтариш амалиёти йўлга қўйилади. Олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони 25 фоиз ҳамда эҳтиёжманд оилалар фарзанди бўлган хотин-қизлар учун давлат грантлари сони 2 баравар оширилади (2020 йилда ажратилган жами 158 минг 569 ўқув ўринларидан 37 минг 164 ўрин давлат грантини ташкил этади).

Бундан ташқари, хусусий олийгоҳларда мутахассисларни тайёрлашга давлат грантини бериш тизими жорий этилиши билан бирга, академик таътилда узлуксиз мустақил (сиртқи ёки масофавий) таълим олиш имконияти яратилади (2015 — 2020 йилларда жами 2 минг 631 нафар талаба турли сабабларга кўра академик таътилга чиққан).

Умуман, “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастуридаги вазифалар ижроси навқирон авлод камолоти, мамлакат тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Биз, депутатлар йил дастурида белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши бўйича таъсирчан парламент назоратини олиб борамиз.

Абдумалик АКРАМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ЭЪЛОН

Инвесторлар ва қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги ПҚ-4343-сонли қарорига мувофиқ, шунингдек, ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчилар учун замонавий дизайн ҳамда андозадаги арзон уй-жойлар қуриб бериш ҳисобидан уларни рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 октябрдаги 865-сонли қарори қабул қилинган эди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан ички ишлар органлари ходимлари ҳамда ҳарбий хизматчилар учун кўп қават (квартира)ли уйларни тайёр ҳолда топшириш шартлари билан қурилиш бўйича инвесторлар ёки қурилиш ташкилотлари ҳамкорликка таклиф этилади.

1. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Сунбула кўчаси, 1-уйда жойлашган қурилиш умумий ҳажми 1 100 м² бўлган бўш ер майдони.
2. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 10-мавзеда жойлашган умумий ҳажми 2 500 м² бўлган бўш ер майдони.

Юқорида кўрсатилган қурилиш объектларини қуриш бўйича инвесторлар ёки қурилиш ташкилотларидан қуйидаги ҳужжатлар тўплами талаб этилади:

1. Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг устави ва гувоҳномаси;
2. Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг фаолияти ҳақида маълумот (5 йилдан ортиқ ишлаган бўлиши керак);
3. Хизмат кўрсатувчи банк томонидан инвестор ёки қурилиш ташкилоти тўғрисида маълумотнома;
4. Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг моддий-техника базаси тўғрисида маълумот;
5. Қурилиш режалаштирилган ҳудудга лойиҳа таклифи (бош режа, фасад, қаватлар режаси, 3D кўринишда);
6. Қурилиш ишларини олиб бориш, муддатлари ва шартлари кўрсатилган тармоқ режаси (тасдиқланган кўринишда).
7. Қурилган уйларнинг энг камида 50 фоизини ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчилар учун арзонлаштирилган нархларда сотиш.

Мазкур шартлар бўйича ҳамкорлик қилиш истагидаги инвесторлар ёки қурилиш ташкилотлари 2021 йилнинг 19 февралига қадар танлов юзасидан қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Содиқ Азимов кўчаси, 87-уй.
Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси. Телефонлар: 71-281-93-53, 97-291-63-36.

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи
2021 йил 9 февраль

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжи ғурбат ҳавас айлама.

Алишер НАВОИЙ

УЛУҒ МУТАФАККИР ШАРҚ УЙҒОНИШ ДАВРИГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР КЎРСАТГАН?

1 Айниқса, адабий муҳитда Марказий Осиё халқларига хос бўлган туркий ва форсий тилда ижод этиш, яъни зуллисонайнлик анъанаси етакчилик қилар, ижодкорлар кўпроқ ўз асарларини расмий ва илмий доираларда қўлланиши одат тусига кирган форсий тилда ёзишга интиларди. Табиийки, бу давр адабий муҳитига сезиларли таъсир ўтказар, туркий тил ва адабиёт тақдирига соя солиб турарди. Ана шундай қийин вазиятда Алишер Навоий туркий тил тақдири учун қайғурувчи, унинг форсий тилидан кам эмаслиги, назмда ҳам, насрда ҳам фикр ифодалаш имкониятлари бошқа тиллардан устун эканлигини кўрсата олган давр фарзанди сифатида майдонга кириб келди ҳамда илм ва ижодда буюк Ренессансга асос солди.

Адабиётшунослик, бадиий ижод, тилшунослик, шоҳлар, авлиёю анбиёлар тарихи, тасаввуф, шеър ёзиш назарияси, ўз даври илмий-адабий муҳитига доир муҳим маълумотларни ўзида жамлаган Алишер Навоий ижодини темурийлар даври сиёсий муҳитидан айро ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳазрат Навоий давлат арбоби, салтанат амалдори бўлиш билан бирга, бадиий ижод билан шуғулланди, илмий асарлар яратди. Шу боис у кўпроқ ижодкор сифатида халқ кўнглидан жой олди, унинг дилбар асарлари туркий халқларнинг севимли дурдоналарига айланди.

Буюк мутафаккирнинг ҳар бир асари, фаолияти иккинчи Ренессансга катта таъсир ўтказди. Аввало, улуғ ижодкор туркий тилда “Хамса” яратиш билан Буюк Ипак йўли халқлари адабиётида хамсачилик анъаналарини ғоявий-бадиий жиҳатдан янгилади ва уни юқори босқичга олиб чиқди. “Хамса” таркибига кирувчи достонлардаги мавзу кўлами, ғоя ва мазмун, образлар тизими, поэтик мушоҳадалар адабий муҳитда туб инқилобий қарашларни вужудга келтирди.

“Фарҳод ва Ширин” достонида “***Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур, Муайян турк улуси худ менингдур. Кўнгул бермиш сўзумга турк жон ҳам, Не ёлғиз турк, балким туркмон ҳам...***” дея ўз тилини улуғлаган ҳазрат Навоий туркий тил ва адабиёти жонкуяри бўлиш билан бирга, Буюк Ипак йўли халқлари дўстлиги ғоясини илгари сурган ижодкордир. Унинг асарлари қаҳрамонлари Фарҳод — Хитойдан, Искандар — Юнонистондан, Ширин — Арманистондан, Қайс — Арабистондан, Шопур — Эрондан бўлиб, уларнинг хатти-ҳаракатларида улуғ шоир орзуси, буюк армонлари мужассамланганки, бу, бизни ижодкор яшаган Ренессанс даврининг асл моҳиятидан огоҳ этади.

Алишер Навоийнинг туркий тил мавқеини кўтаришга доир ҳаракатлари унинг тазкира яратиш соҳасидаги хизматларида ҳам кўринади. Маълумки, ҳазрат Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асарига қадар форсий тилда тазкиралар яратилган. Алишер Навоий эса XV асрда яшаб, туркий тилда ижод қилган юзлаб адабиёт намояндалари тўғрисида маълумот берувчи “Мажолис ун-нафоис” асари билан бу бўшлиқни тўлдирди, туркий тилнинг ўқ томирлари мустаҳкамлигини исботлади. Асарда 459 нафар шоир ва олим тўғрисида маълумот берилган.

“Мажолис ун-нафоис” саккиз қисм — “мажлис”дан ташкил топган, хронологик тартибда яратилган илмий асардир. Асар бу мумтоз сиймо яшаган даврдаги туркий адабиёт тўғрисида муайян тасаввур уйғотиш билан бирга, туркий адабий тилнинг ўша даврдаги ҳолатини кўрсатувчи манба ҳам ҳисобланади.

Ҳазрат Навоийнинг туркий тил генезиси, унинг функционал-услубий имкониятлари, лингвистик хусусиятлари ҳақидаги фикрлари “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида ўз амалий исботини топди. Бунинг учун улуғ шоир туркий ва форсий тилнинг ўзига хос жиҳатларини чоғиштирар экан, туркий тилда мавжуд 99 феъли келтириб, уларнинг маъно нозикликларини мисоллар асосида кўрсатиб берди. Турли соҳаларга оид тушунчаларни англатувчи кўплаб туркийча сўзларнинг форс тилида йўқлиги, туркий шеъриятда кенг қўлланувчи тажнис ва ийҳом санъатининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритди. Форсий тилда мавжуд бўлмаган туюқ жанрининг туркий адабиёт учун хослиги, туркий тилдаги баъзи грамматик шакларнинг форсий тилда мавжуд эмаслиги ҳақида қимматли маълумотлар берди.

“Муҳокамат ул-луғатайн” асари нафақат туркий тил, балки бадиий ижод тараққиётида ҳам туб бурилишлар ясаган манба сифатида аҳамиятлидир.

Буюк мутафаккир ўз асарларида туркий тилнинг содда ва равонлиги, бошқа тилларда бўлмаган ифода-тасвир воситаларига бойлиги, луғавий таркиби, грамматик қурилишининг ўзига хослигини кўрсатиш билан унинг нозик қирралари, устунлик жиҳатларини намоён қила олди. Ҳазрат Навоийнинг дунёвий ва диний мавзуларда ёзилган барча асарида, аруз назариясига доир қонун-қоидаларни акс эттирувчи “Мезон ул-авзон”дан тортиб, “Муншаот”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Назм ул-жавоҳир”, “Вақфия” асарларигача унинг туркий тилни улуғлаш нияти бўртиб туради.

Алишер Навоий ўзининг “Лисон ут-тайр” достонидаги фахрия байтида “***Турк назмида чу тортиб мен алам Айладим ул мамлакатни яккалам***”, деб эътироф этганидек, туркий тил ва адабиёт тарихида буюк Ренессанс даврининг ўлмас сиймосига айланди, бетакрор асарлар яратди, ўз маблағи ҳисобидан мадрасалар, хонақолар, шифохоналар қурдирди.

Алишер Навоийдан кейинги даврларда халқимиз оғир қийинчиликларга дуч келди. Чор Россияси юртимизни мустамлака этиб, ёшларимиз онгига ёт ғояларни сингдиришга, ўтмишимиз ҳамда бугунги кунимизни боғлаб турувчи занжирларни узишга эътибор қаратди. Шу боис мустақиллигимизнинг ҳозирги даврида тарбия Абдулла Авлоний айтганидек, ё ҳаёт, ё мамот масаласига айланди. Бугунги кунда таълим даргоҳларида ҳазрат Навоий асарларини ўрганишга оид дарслар Ўзбекистонда янги бир Уйғониш — учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилаётганлиги масалаларини биргаликда қамраб олган бўлиб, талабаларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишда, уларни маънавий меросга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Амалий характердаги бу ишлар талабаларда Ренессанс тушунчаси моҳиятини теранроқ тушуниш, Алишер Навоий ижодини ўқиш ва ўқиш, унинг асарлари мазмунига холис муносабат билдириш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Талабаларимизнинг билимини ошириш мақсадида Самарқанд давлат университети қошида Буюк Ипак йўли халқлари маданияти ва адабиёти илмий-тадқиқот маркази иш бошлади. Алишер Навоий ижодининг иккинчи Ренессанс давридан бошлаб бугунги кунгача нафақат туркий халқлар, балки бутун башарият маънавияти йўлида хизмат қилишини дунё халқларига танитиш кўзланган мақсадларимиз жумласидандир. Зеро, буюк аждодимиз Абдурауф Фитрат таъкидлаганидек, “Шарқ адабиётининг ҳашаматли, рангли бир тарихи бор... Шарқ адабиёти бутун дунё адабиёти орасида сингирсиз-мисли йўқ бир адабиётдир”.

Эркин МУСУРМАНОВ,
Самарқанд давлат университети Буюк Ипак йўли халқлари маданий-адабий алоқалари илмий-тадқиқот маркази директори,
филология фанлари доктори.

АДАБИЁТНИНГ ШУКУҲЛИ БАЙРАМИ

Мир Алишер Навоий мероси нафақат туркий дунё, балки бутун жаҳон халқлари учун бебаҳо бойлик ҳисобланади. Шу боис улуғ мутафаккир асарлари дунё бўйлаб катта қизиқиш билан ўқилади. Ҳаёти ва ижоди, фаолияти кенг тадқиқ этилади.

Бугунги кунда Алишер Навоий шахси ва ижодига бўлган юксак эҳтиром халқаро жамоатчилик эътиборини яна бир бор мамлакатимизга қаратди. Президентимизнинг 2020 йил 19 октябрдаги қарорига мувофиқ, юртимизда буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги кенг нишонланаётгани дунё навоийшунослари, адабиётшунослар, таржимонлар, шоир ва ёзувчилар, миллионлаб зиёли инсонларни ғоят мамнун қилди.

Қуйида уларнинг айримлари фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.

Дунё нигоҳи

Филип НОУБЕЛ,
“Global Voices” халқаро электрон портали муҳаррири, таржимон (Чехия):

— Адабиёт чегараларни тан олмайди, миллат танламайди. У юраклардан-юракларга кириб бораверади. Ҳақиқий асар Саҳрои Кабирнинг қоқ ўртасидаги чайлада ўқиладими ёки Шимолий Антарктидадаги музли уйчадами, у ўз қувват манбаини йўқотмайди. Яъниким, бу қувват руҳу қалбни озиқлантирадиган қувватдир. Инсоният, биринчи навбатда, ўзининг чин маънодаги буюкларини таниб олмоғи, англамоғи муҳим. Миллат ўз даҳоларини танимас, улуғламас экан, таназзулга юз тутади.

Шу маънода, ўзбек халқининг улуғ аждодига — ҳазрат Навоийга кўрсатаётган эҳтироми, унинг ижодини ўрганиш ва хотирасини абадийлаштиришга қаратилаётган эътибор мени ғоят тўлқинлантирди.

Алишер Навоий — бир миллатнинггина шоири эмас. Унинг ёзганлари чегаралар ва даврлар оша дунёнинг энг чекка минтақаларига ҳам етиб борган. Мен таржимон сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам, ёйинки оддий бир ўқувчи сифатида ҳам ҳазрат Навоийни ўқиш ҳамда уқиш учун олдиндан тайёргарлик керак, деб ҳисоблайман. Бугунги кунда Чехияда яшашимга қарамай, асли Тошкентда туғилганман, болалигим Эски шаҳарнинг тор ва пастқам кўчаларида ўтган. Ҳозирга қадар руҳий қувватни шу ердан, улуғ Навоий даҳосидан оламан, десам, муболаға эмас.

Мир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги яна шунча йилдан кейин ҳам худди ҳозирги кундагидай, балки бундан ҳам кўтаринки руҳ ва кенг кўламда нишонланади. Чунки чин шоир — ҳеч қачон ўлмайди!

Ромиз АСҚАР,
филология фанлари доктори, профессор, таржимон, шоир ва ёзувчи (Озарбайжон):

— Таржима учун асар қандай танлаб олинишини биласизми? Аввало, асар инсонни эзгуликка ундайдиган, Ватанни севишга ўргатадиган бўлиши лозим. Шу маънода, ўзбек адабиёти мутафаккирларининг асарларини мунтазам таржима қилиб келмоқдаман. Ҳусайн Бойқаро девони, Мирзо Бобурнинг танланган асарлари, “Бобурнома”ни озар тилига ўгирдим ва нашр қилинди. Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб асарлари ҳам шулар қаторидан ўрин олган.

Озар тилига қилган таржималарим орасида Алишер Навоийнинг “Хамса” асари энг салмоқлиси саналади. Таржима устида йиллар давомида меҳнат қилдим. Заҳматларим самараси ўлароқ, 2020 йилнинг ёз ойида “Хамса” таржимаси якунланди. Шу йилнинг кузида Озарбайжон ва Ўзбекистонда таржима бўйича конференциялар, тақдимотлар ўтказдик. Ҳозирги кунда “Хамса” нашрга тайёр.

Бу йил Ўзбекистонда Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги кенг нишонланади. Айтиш жоизки, бу кун бутун туркий халқларнинг, жумладан, озарбайжонликларнинг ҳам байрами, десам, асло адашмаган бўламан. Айни кунларда “Хамса” асари таржимаси озар тилида чоп қилиниши қардошлар учун гўзал совға бўлади, деб ўйлайман.

Вадим МУРОДХОНОВ,
шоир ва таржимон (Россия):

— Кеча келгумдир дебон,
ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг
отқунча уйқу келмади...

Бундай жозибадор сатрларни ўқиганингиз сари кўнглингиз ҳам, руҳингиз ҳам ором олади. Ичингизда бир ҳис ғазал оҳангига мос ҳолда ҳиром айлайди...

Бундан 20 йиллар аввал, Тошкентда яшаган пайтларда ҳазрат Навоийнинг асарларини ўқишга киришгандим, бироқ русча таржималар мени қониқтирмади. Кутубхонага бордим-у, “Хамса”ни топиб чиқдим. Аслият барибир аслиятда. Уни ўқиш учун одамга кучли зеҳн керак. Зеҳним етармикан, деган ўй кечди юрагимдан... Ўқиш истаги шунчалар мени бедорга айлантирдики, ҳозир “Хамса” билан оттирган тонгларимдан мингдан-минг миннатдорман.

Алишер Навоий шахс сифатида ҳам, инсон ва шоир сифатида ҳам бирдай азиз мен учун. Кўринишимдан ғарблик бўлсам-да, тийнатимда Шарқ санъатига ошиқ бир одам яшайди, ўша одам ҳазрат Навоийдан руҳий куч олади. Бу улуғ мутафаккирни билган ижодкор ўз позициясини яхши англайди.

Фаолиятим давомида кўплаб ўзбек ижодкорларининг асарларини рус тилига таржима қилганман. Ҳозирги кунда ҳам бу ишни давом эттирмоқдаман. Аммо бир нарса доим мени ўйлантираверади — ҳазрат Навоийни таржима қилиш! Бунга кучим етармикан, билмадим... Бироқ ишонаманки, буни қачондир, албатта, уддалайман! Зеро, Ўзбекистонда Алишер Навоий даҳоси ва унинг меросига бўлаётган эътибор бу улуғ мутафаккирни дунёга янада кенг тарғиб этиш имконини яратмоқда.

Мўжтаба НАҲАНИЙ,
“Гуруб” журнали бўлим муҳаррири, адабиётшунос, таржимон, шоир ва ёзувчи (Эрон):

— Ўзбек қардошларимиз яшайдиган мамлакатдаги адабий муҳит ҳавас қиларли даражада. Давлат раҳбарининг адабиётга, сўз санъатига алоҳида эътибор ва ғамхўрлиги ижод аҳлини жипслаштирмоқда. Юксак мақсад ва ғоялар билан қалам тебратишга ундамоқда. Ўзбекистонда яратилаётган имкониятлар адабиётда янги номларни кашф этишга, кўплаб истеъдод булоқларининг кўз очишига сабаб бўлаётир.

Президент қарори асосида улуғ мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги кенг нишонланаётгани бу борадаги эзгу ишларга янги кўлам ва сифат бахш этгани, шубҳасиз.

Эронда, хусусан, Табризда ҳазрат Навоий асарлари кўплаб адабиёт муҳиблари томонидан севиб ўқилади. Шу боис бу айёмдан ниҳоятда севиндик. Аниқки, буюк шоир туғилган кун — адабиёт байрами! Мазкур сана муносабати билан ўзим фаолият олиб борадиган “Гуруб” журналида Алишер Навоийнинг “Хамса” асаридан турк ва эрон тилларида таржималар беришни режалаштирдик.

Иброҳим ТИҒ,
“Шаҳар” журнали бош муҳаррири, шоир ва таржимон (Туркия):

— Мен учун ҳазрат Навоийни билмаган турк турк эмас. Ўзини турк ҳисоблайдиган ҳар одам, у ижодкор бўладими ёхуд оддий бир киши, албатта, Навоийни таниши, ўқиши лозим.

Алишер Навоий улуғ ижодкор, унинг яратганлари қалбдан — қалбга, асрдан — асрга кўчиб юради ҳали неча замонлар. Айтиш керакки, Маҳмуд Кошғарийдан кейин турк тили ва унинг ривожланишига энг катта хизмат қилган буюк сиймолардан бири, бу, шубҳасиз, ҳазрат Навоийдир.

“Турк тили — хазиналар маҳзани. Унинг инжа ва гўзал санъат асарлари юлдуздан-да юксак, қуёшдан-да ёрқинроқдир”, — дейди Алишер Навоий. Буюк ижодкор асарларини Туркиянинг ҳар бурчагидан, барча кутубхонасию китоб дўконларидан топа оласиз. Бу мумтоз сиймога бағишланган асарларни санасак, кўз қувонади. Масалан, филология фанлари доктори, профессор Меҳмет Фуаднинг “Алишер Навоий”, профессор Сами Булбулнинг “Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди”, адабиётшунос Комисйўннинг “Чиғатой адабиёти ва Алишер Навоий”, филология фанлари номзоди Юсуф Четиндоғнинг “Мир Алишер Навоий” (4 жилд), филология фанлари доктори, профессор Селма Солнинг “Алишер Навоий ила боғлиқ ривоятлар” асарлари шулар жумласидан.

Алишер Навоийни ҳамиша ўрганиш, ўқиш ва уқиш, айниқса, миллат адабиётшуносларининг, ёшу кекса қаламкашларининг биринчи галдаги вазифаси бўлмоғи керак. Таваллудининг 580 йиллиги олдидан буюк шоир асарларидан парчалар бермоқчимиз. Бундан ташқари, Алишер Навоийга аталган турк шоирларининг шеърларини китоб ҳолида нашр этиш ниятидамиз.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

АДОЛАТНИ ОЛИЙ МЕЗОН БИЛГАН УЛУҒ ДАҲО

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси томонидан буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги муносабати билан маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Эҳтиром

Тадбирда сўзга чиққанлар мутафаккир бобомизнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки дунё адабиёти ривожида алоҳида ўрин тутишини, асарларида юксак умуминсоний ғоялар, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, миллионлаб китобхонлар қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаб келаётганини таъкидлади.

Кейинги йилларда Алишер Навоийнинг бой ва серқирра ижодий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, ўлмас асарларини юртимиз ва хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилиш ҳамда хотирасини абадийлаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбирда қайд этилганидек, улуғ мутафаккир бобомиз давлат арбоби, ўз жамиятининг илғор вакили, давлат ишларининг жонкуяри, ҳалол ҳуқуқшунос ва қонун ижодкори сифатида ҳам фаолият юритган. Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини, ҳуқуқ ва адолатнинг маъно-моҳиятини Алишер Навоийдек теран ифода этган ижодкор жаҳон адабиёти тарихида кам топилади. Ҳазрат Навоийнинг тарих ва башарият олдидаги улуғ хизматларидан бири шундаки, ул зот адолат туйғусини ҳар бир инсон, ҳар қайси халқ ва миллат интилиб яшайдиган олий мезон даражасига кўтарган ҳамда одамзодни ҳаётда адолатни қарор топтиришга, уни асраб-авайлашга чорлаб ўтади. Тадбирда сўзга чиққан навоийшунос олимлар буюк давлат арбобининг мазкур жиҳатларига эътибор қаратди.

“Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйган мамлакатимизда янги Ренессанс даври пойдеворини яратишда мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси ҳам муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

«Халқ сўзи».

Нафсни поклаш —
руҳий-маънавий ҳаётдаги мислсиз ғалаба

Шеъриятда таассурот — тасаввурга, тасаввур эса таассуротга йўл очиб, доимо улар бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Ўз вақтида тасвирланмаган таассуротни тасаввур заминида тиклаш мумкин бўлганидек, тасаввурда сақланиб қолган таассуротдан асар яратиш учун бемалол фойдаланиш мумкин.

Бир ғазал шарҳи

Баъзан шоир илк таассуротдан эмас, унинг такроридан шеър яратадики, ҳазрат Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги:

Ҳар қачонким кемага
ул ой сафар рахтин солур,
Мавжлуғ дарё кеби ошуфта
кўнглум қўзғалур,

байти билан бошланадиган ғазал бунинг бир мисолидир.

Илк мисрадаги гапга қараганда, маъшуқанинг сув йўли билан сафарга жўнаши биринчи бора эмас — у кийим-кечакларини йиғиштириб, аввал ҳам кемага чиққан. Бу ҳодисадан ошиқнинг кўнглида дарё тўлқинига монанд шиддатли бир қўзғалиш бош кўтаради. Кўнгилдаги қўзғалиш, албатта, айрилиқ дарди, ҳижрон аламидир. Бу ҳол шўрлик ошиқни шу қадар йиғлатадики, унинг кўз ёшларидан ёр кемаси соҳилга чиқа олмайдиган ўзга дарё юзага келади:

Йиғлама, эй кўз, недин
соҳилга чиқма кема деб
Ким, ёшинг дарёсидур
ҳар сориким эл кўз солур.

Ёрнинг дарё оралаб кетиши ошиқ дилини аламга чулғаган бўлса, кеманинг соҳилга чиқолмаслик хавфи унинг жонини ҳам ҳалқумига келтиради. Ва бу ҳолат энди телба шамол ҳаракатидан тўхтовсиз чайқаладиган дарёга қиёсланади.

Титрабон сиймобдек кўнглум,
етар жон оғзима,
Тунд ел таҳрикидин
ҳар дамки дарё чайқалур.

Ошуфта кўнгилнинг қўзғалиши, кўз ёшининг тинмай оқиши, юракнинг симобдай титраши — булар ошиқнинг ички аҳволини кўрсатувчи ҳаракат. Ошиқ — ҳаракат соҳиби. У ҳамма нарсага қарши турса ҳам, руҳ ва кўнгил ҳаракатига ҳеч монелик қилмайди. Шунинг учун кўнгилни сабр қўлига топширган бўлса-да, бундан ҳеч натижа чиқмаслигини у жуда чиройли тарзда ифодалайди:

Сабр кўнглумда, кўнгул
ул ойда, ул ой кемада,
Ваҳки, бориб телмуриб,
кўз мунграйиб, жоним қолур.

Кўнгил ёрда. Ёр кемада. Бориб ёр жамолига термилгач, кўзнинг мунграйиб, жоннинг жонон билан қолишини шеърхон ҳиссиёт билан хаёлдан ўтказади. Жон соҳибасига топширилгач, тириклик нима бўлади? Ва уни тириклик дейиш мумкинми? Навбатдаги байт шу ҳақида:

Дам тутулғандин ўлар
элдек етибмен ўлгали
Сурмасун деб кемасин баским
нафаслар асралур.

Нафас чиқмагандан кейин ўладиган кишиларга ўхшаб қолиш табиий, албатта. Аммо ошиқ ҳали тирик — ҳар қалай нафас олиб турибди. Қарангки, шу нафас ҳам унга халақит бераётир. Чунки ошиқ нафаси кемани илгари силжитиши мумкин. Демак, нафас чиқмаслиги, яъни нафасни ичга ютиш жоиз — токи кема ўрнида собит турсин.

Ақл ва фикр соҳиби ҳаётдаги ҳар бир воқеа, ҳодиса ёки ҳолатдан тегишли хулоса чиқаради. Ишқ-муҳаббат дарёсига ғарқ бўлишни олайлик. Бу — ошиқлар учун шараф. Зеро, ҳамма ҳам бундай ишга журъат этолмайди. Ҳаётда бошқа “дарё”лар ҳам кўп. Масалан, савдо-сотиқ “дарёси”. Унда кимлар сузмагану, кимлар чўкмаган? Ғазал қаҳрамонининг фикрига кўра, ўтар дунё манфаати ва фойдасини ўйлаб зинҳор-базинҳор “савдо баҳриға” кирмаслик лозим. Чунки кумуш тангаларни йиғиш, умр бойлигини асраб қолишга кафолат беролмайди.

Кирма савдо баҳриға
оламдин истаб судким,
Сийм нақди тушса,
лекин умр нақди сийғалур.

Шеър ёзиш — азобдан қутулиш демак. Қалбидаги ғам-ғусса ва изтиробни шоир, асосан, шеър воситасида бартараф этади. Навоий ғазалнинг тили ва мажозий табиатига мувофиқ равишда “ғам заврақи” — ғам кемасига диққатни қаратади:

Ғарқ этар баҳри фано ғам
заврақин, эй пири дайр,
Илгига чунким Навоий
бода каштийсин олур.

“Баҳри фано” — фано дарёси, “ғам заврақи” — ғам кемаси, “пири дайр” — бутхона пири, “бода киштийси” — қайиқ шаклидаги қадаҳ. Бу иборалар замиридаги маънони ҳар ким ўзича англаб, ҳар хил шарҳлаши, шубҳасиз. Лекин фано ҳақиқати тўғри тушунилмаса, байтдан умумий бир маъно чиқариб бўлмайди.

Абу Наср Саррожнинг таърифлашича, фано нафснинг ёмон сифатлардан халос бўлиши ва покланиши. Нафсни поклаш — руҳий-маънавий ҳаётдаги мислсиз ғалаба. Мана шу ғалабага эришилгач, дард, алам, ҳасрат аталмиш ҳиссиётлар ўз қийматини бой беради. “Фано дарёси ғам кемасини ғарқ этар”, дейилиши худди шу ўзгаришга ишорат бўлса, қайиқмонанд қадаҳни қўлга олиш эса покланиш ҳолидан шодланишни ифодалайди.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ,
филология фанлари доктори,
профессор.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 248. 30 193 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.23 Топширилди — 00.00 1 2 3 4 5 6